ўткир кўз йўқдир.
Врачнинг кўллари
ҳамиша саҳий,
Нияти ҳамиша нузли
бир чўғдир.
Врачлик, азизим,
касбгина эмас,
Тақдирнинг ҳукмидир,
масъул ва зийрак,
Фаришта юрак у,
ноёб, муқаддас,
Врач бўлиб аслида
туғилмоқ керак!

Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент тиббиёт
академияси катта
ўқитувчиси.

ОЛМОС ҚИРРАЛИ ОЛИМ

Шифокор... У Оллоҳ инояти билан бемор инсонларга иккинчи умр бағишлайдиган, умид учкунлари сўнаётган қора кўзларда қувонч уйғотадиган, бу жаннатмакон ўлканг-у, суянчининг умр йўлдошиндан, вужудининг бир парчаси фарзандларинг, қалбларга шодлик улашгаётган набира, звараларингдан умид узиб, ўлимнинг қора пардаси соя солаётганда, аввало, ширин каломилга жонга ҳузур олиб қирадиган, инсон ҳаёти учун бор билими, тажрибасини ишга солиб, 2-3 ва ҳатто соатлар тер босиб курашадиган, оқ халатли заҳматкаш инсонлар бу ўша фидойи шифокорлар эмасми?!

Иқтидорли олим, ажойиб ташкилотчи, тиббиёт соҳасига ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаётган, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тўражон Дадажонович Фуломов ана шундай инсонлар сирасига киритиш мумкин. Ҳеч бир инсон тиббиёт дунёсига тасодифан кириб қолмайди. Чунки, тиббиёт – бу улкан чўққи мисол, йўллари қийинчиликлардан иборат серкирра фандир. Бугунги қаҳрамонимиз ўз умр йўлини қуйидагича хотирлайди: «Шифокорлик касбини танлашимга иккита сабаб туртки бўлган. Бири Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раислиги ва «Семашко» номидаги саломатликни тиклаш ва даволаш илмий-тектириш институтини бош шифокори муовини лавозимларида фаолият юритган амакимининг бевакт вафотлари бўлса, иккинчи сабаб, 1952 йиллар мен учун унитилмас воқеаларни ёдга солади. Ушунда энг яқин дўстимиз Абдулланнинг эндигина мактабини тугатиб, бахтсиз тасодиф туфайли ҳаётдан эрта кўз юмганлиги вужудимни ларзага солиб, бу кун мен учун юратимда бир умрлик армон бўлиб қолди».

Тўражон 1952 йили Й. Охунбобоев номидаги мактабни битириб, Тош-

зодлик диссертациясини амалиётга боғлаб, 1964 йилда муваффақиятли ҳимоя қилади. 1993

йилда эса докторлик диссертациясини ёқлади ва 1995 йилда профессор илмий унвонига мушарраф бўлди. Ақсарият умрини халқ саломатлиги йўлига бахшида этган Тўражон Дадажонович 1989 йилдан Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация хайъати Қарори билан олий тоифали бош мутахассис деб топилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигида ушбу лавозимда фаолият кўрсатиш билан бир қаторда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий Аттестация хайъати комиссиясининг эксперт аъзоси, фан ва техника давлат қўмитасининг тиббиёт соҳаси бўйича муаммолар хайъати аъзоси сифатида ишлаб келмоқда. Фидойи инсон ана шундай заҳматли меҳнатлари учун ҳукуматимиз томонидан бир қанча мукофотларга сазовор бўлди. Муқтадиримизнинг 14 йиллиги муносабати билан эса «Дўстлик» ордени билан муносиб тақдирланди.

Камсуқум, камтарин инсон Т. Фуломов қарийб 50 йиллик умрини тиббиётга бахшида этди. Айни пайтда ҳам ушбу соҳада фаолият юритиб келаётган ажойиб инсон бугун ўзининг кутлуг 70 ёшини қарши олмақда. Шу боис, биз Тўражон Дадажоновични туғилган кўни билан самимий муборакбод этиб, у кишига тани-соғлиқ, узок умр, оилавий бахт ва тиббиёт йўлидаги салмоқли ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

Т. АЗЛАРХОНОВ,
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Ўзбекистана» газетасининг жамоатчи мухбири, халқ таълими фидойиси.

Меҳнати таҳсинга лойиқ инсонлар

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги клиник касалхонага олиб борди ва у касалхонага ётқизилди. Ёш Гофур касалхонада даволанар экан, у ва унга ўшаган беморларнинг қошида туну кун парвона бўлиб, уларнинг дардига даво излаётган шифокорларнинг фаолиятига ҳаваси келганди. Ўзи тазалган эса оқ халатли шифокорларга бўлган меҳри янада ортиб, улар сингари инсонлар дардига малҳам бўлувчи касбни эгаллашга ният қилди. Бу касбни эгаллашга бўлган интилишида унга Тошкент тиббиёт академияси (Тошкент тиббиёт институтини)да тахсил олаётган акиси сабабчи бўлди. Бу оруз уни 1954 йили Тошкент тиббиёт академиясига ўқишга етаклади. Шундай қилиб Гофур имтиҳонлардан муваффақиятли ўриб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди.

1961 йили академиянинг даволаш факультетини муваффақиятли тамомлаган ёш шифокори Самарқанд вилоятининг Зомин (ҳозирги Жиззах вилояти тумани) туманига ишга юборилди. Зоминдаги шифохонада ўша вақтларда шифокорлар етишмасди, қишлоқлардаги беморларнинг ҳаммасини ҳам туман касалхонасига жойлаштиришнинг имконияти йўқ эди. Шу боисдан ёш шифокор қишлоқ участка

САЛОМАТЛИК САРИ...

Самарқанд вилоятида 2005 йил «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурининг бажарилиши борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Аяланда вилоят ҳокимлигида ана шу хайрли тадбирнинг ўн ойлик ижроси атрофлича таҳлил этилди. Қорхона ва ташкилот раҳбарлари, бошқарма бошлиқлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вакиллари, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар кўмитаси раислари қатнашган йиғилишни вилоят ҳокими

ўринбосари Зоир Мирзаев олиб борди.

Қатнашчилар асосий эътиборни одамларнинг ўз соғлигини сақлашга масъулият билан ёндошиши, соғлом турмуш тарзини, маданиятини шакллантиришга қаратдилар. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш, кексаларнинг соғлом ва муносиб турмуш кечириши, нафақахўр, ногирон ҳамда алоҳида парваришга муҳтож кишиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш бош вазифа эканлиги таъкидланди. Ижтимоий хавфли касалликларнинг олдини олиш, соғлиқ-

ни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, унинг моддий-техник даражасини ошириш ҳақида таклиф-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Мазкур йиғилишда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нурия Турева қатнашди.

ГИЁҲВАНДЛИК — ИЛЛАТ

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида жойлашган гиёҳвандликка қарши курашиш халқаро маркази дунё бўйича гиёҳванд ва наркоманлар бир миллиардга яқинлашганини эълон қилди. Баъзи мамлакатларда аҳолининг аксарият қисми ҳаётини

наркотик ва психотроп моддаларсиз тасаввур эта олмай қолган. Бу хавфли иллат афсуски, юртимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Яширин равишда гиёҳванд воситалари олди-сотдиси амалга ошириляётганлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Шу боисдан бундай балога қарши курашда мамлакатимизда жуда катта тадбирлар бошлаб юборилган. Ана шундай тарғибот-ташвиқот ишлари ёшлар ўртасида кўпроқ уюштириляпти.

— Яқинда Самарқанд шаҳридаги 24-, 37-, 55-мактабларда «Гиёҳвандлик – умр заволи» мавзусида илмий-амалий анжуман ва унинг доирасида реферат, сурат, плакат ва фототас-

вирлар танлови ўтказилди, дейди Самарқанд тиббиёт институтини психиатрия ва наркология кафедраси мудири, профессор Худоёр Аминов. — Суҳбатларда аср вабосининг асоратлари ҳақида батафсил мулоҳаза юритдик. Тадбир болаларда катта таассурот қолдирди. Ҳар бир йўналиш бўйича голиблар аниқланиб, уларга мукофотлар топирилганлиги ҳам айни мудао бўлди. Тадбирдан қўзланган асосий мақсад битта эди: «Гиёҳванд ва наркотик моддалар истеъмол қилишга қарши курашнинг самарадорлигини оширишдир!»

Ҳамза ШУКУРОВ,
жамоатчи мухбир.

Самарқанд вилояти

Қандли диабет касаллиги кенг тарқалган ва жуда юқори харажатли сурункали хасталик бўлиб, бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммосидан биридир. Бу дард билан оғриганлар сони йилдан-йилга ер юзининг барча қиррасида ортиб бормокда. Шу кунгача ушбу хасталик билан оғриган беморлар сони 177 миллионга тенг бўлиб, 2025 йилда эса бу кўрсаткич 300 миллионга етиши қайд қилинди.

Қандли диабет касаллиги ўз вақтида аниқланмаса, беморларда асоратлари ривожланиб кетиб, бевақт меҳнат қобилиятининг йўқолишига, ҳатто ногиронликкача олиб келиши мумкин. Шунинг учун қандли диабет касаллигининг олдини олиш жуда муҳимдир. Бунга эришиш учун эса қандли диабет касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, турлари, клиник белгилари ва аҳоли ўртасида тарқалишини билиш зарурдир.

Қандли диабет касаллигининг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш йўллари ва клиник белгиларига кўра турлича бўлган касалликлар гуруҳини бирлаштиради. Бу касалликларнинг барчаси учун хос жиҳат – қон таркибидagi глюкозанинг сурункали ортшидир. Шу боис, танада инсулин етишмовчилиги юзага келади ва диабет касаллиги ривожланади.

Қандли диабет касаллиги бир неча турга бўлинади. Қандли диабет касаллигининг биринчи тури кўпинча ўсимирлик, ўспиринлик ёшида семиз бўлмаган беморларда учрайди. Бундай одамлар организмда меъда ости бези бета-хужайралари инсулин чикара олмайди ва уларнинг даволанишида глюкозани пасаитириш мақсадида инсулин препаратлари қўлланилади.

Барча беморларнинг 80-90 фоизда диабет касаллигининг иккинчи тури учрайди. Бу дардга 35-40 ёшдан ошган, аксари жуда семирлик кетган кишилар мубтало бўлади. Уларда меъда ости бета-хужайралари инсулин меъёрида ишлаб чиқарсада, баъзи бир сабабларга кўра ўз вазифасини урдалай олмайди. Шунинг учун глюкозанинг миқдорини пасаитириш мақсадида пархез, ҳаб дорилар (бигуанидлар, сульфаниламидлар ва бошқалар) қўлланилади.

Бу касаллиқнинг иккита асосий туридан ташқари, гестацион диабет касаллиги ҳам бўлиб, бу диабет касаллиги ҳомиладорлик даврида, яъни ҳомиладорлик даврида биринчи марта аниқланган ҳар хил (глюкозага турғунлиқнинг бузилишидан, клиник намоён бўлган диабетгача) углеводларга турғунлиқнинг бузилишидир. Қандли диабет касаллигининг бу тури аёл туққанидан сўнг йўқолиб кетади, аммо ушбу аёлда келгусида яна қайта вужудга келиш имкони катта бўлади.

Диабетнинг турлари таснифи 1-жадвалда келтирилган.

Қандли диабет касаллигининг олдини олиш жараёни касаллик тарқалиш вазияти, ҳар хил аҳоли ва иқтисодий-географик ҳудудларнинг айрим хусусиятлари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг қандли диабет касаллигининг олдини олиш ишларига тайёрийликлари тўғрисида аниқ маълумотларга асосланиб олиб борилади.

Қандли диабет касаллигининг бирламчи, иккиланган, уламчи олдини олиш турла-

ри тафовут этилади. Шунингдек, керакли чора-тадбирлар белгилаб олиниб, касаллиқнинг клиник эволюциясига, уни эрта аниқлаш самарали усулларига, тиббиёт хизматлари сифатига қараб аниқланади.

Бирламчи олдини олиш –

яъни қандли диабет касаллигининг олдини олиш баъзи бир шахсларда ёки қандли диабет касаллиги бўйича хавфли гуруҳларда ҳаёт тарзини ва қандли диабет касаллигининг хавф омилларини бартафати этилиб олиб борилади.

ҚАНДЛИ ДИАБЕТ КАСАЛЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1-жадвал

Қандли диабет касаллигининг тури	Қандли диабет касаллигининг келиб чиқиш омиллари	Биринчи белгилари
Қандли диабет касаллигининг биринчи тури	Ирсий (оилавий) мойиллик меъда ости безини шикастловчи вируслар, иммун тизим муаммолари, стресслар	Ташналик, оғиз қуриши, тез тинка қуриши, тез-тез пешоб ажратиш, озиш, қучли қорин очилиш, чарчаш, бўшашиш
Қандли диабет касаллигининг иккинчи тури	35 дан юқори бўлган ёш, ортқич тана вазни, оилавий мойиллик, ҳомиладорлик даврида қандли диабет бўлган аёллар	Ташналик, оғиз қуриш, тез тинка қуриши, тез-тез пешоб ажратиш, сержахлик, кўз хиралашishi, қуриш қобилияти пасайиши, оёқ-қўлларда жонсизланиш, игна санчиши. Тери жароҳатларининг суст битиши, инфекция билан зарарланиши, қичиши
Гестацион қандли диабет касаллиги (ҳомиладорлик даврида диабет касаллиги)	Ҳомиладорликни 2-3 триместри	Ташналик, оғиз қуриши, тез тинка қуриши, тез-тез пешоб ажратиш, сержахлик

Иккиланган олдини олиш – бунда қандли диабет касаллиги асоратларининг олдини олиш назарда тутилади. Уламчи олдини олишда эса қандли диабет касаллигининг намоён бўлган асоратларини тараққий этишдан тўхтатиш вазифаси туради.

Хуллас, ҳар хил турларига кўра бирламчи олдини олиш ҳам ўзгача бўлади.

Қандли диабет касаллиги биринчи турунинг олдини олиш имунитетга таъсир этувчи воситалар (азотиоприн, циклоспорин) касаллик яққол намоён бўлмаган босқичда, яъни диабет касаллигининг олди ҳолатида қўллаш самараси юқори ҳисобланади. Бунда инсулин ишлаб чиқарувчи хужайраларнинг емирилиши секинлашади. Диабет касаллигининг олди ҳолатида қанда инсулин ишлаб чиқарувчи хужайраларга қарши аутоантителолар аниқланади, наслий мойилликни аниқлаш учун эса қонда баъзи бир антигенлар текширилади. Бундай шахсларда юқорида келтирилган дорилардан ташқари баъзи бир бошқа чоралар ҳам қўлланиши тавсия қилинади (инсулин ишлаб чиқарадиган хужайраларни антигенга чидамлилигини ошириш, Т-хужайрали вакцина қўлланилиши, инсулин билан доволаш, гўдакни она сути билан эмизиш ва ҳоказолар).

Энг муҳими келажақда қандли диабет касаллиги биринчи турунинг олдини олиш биринчи навбатда унга эрта ташхис қўйиш имкони билан боғланади. Ҳозирги кунда қандли диабет касаллиги биринчи турунинг юқори самарали олдини олиш

чора-тадбирлари топилмаган, шунга қарамадан айтиш мумкинки, қандли диабет касаллигининг келгусида халос бўлиш умиди йўқ эмас.

Қандли диабет касаллиги иккинчи турунинг олдини олиш. Бунда касаллик қанча эрта аниқланса, унга даво қилиш шунчалик осон бўлади. Шунинг учун унинг олдини олиш муҳимдир. Бироқ хасталикни ўз вақтида аниқлаш унчалик осон бўлмайди. Чунки, бу касаллик жуда кўп тарқалган бўлиб, кўпинча 40 ёшдан кейин учрайди. Қандли диабет касаллигининг иккинчи турида касаллик белгилари одатда аста-секин ривожланади. Узок вақт давомида беморнинг тинчаси қуриб, тез-тез сийгиси кистаб туради. Аммо бу секин ривожланиб борадиган кўпчилик унга эътибор бермайди. Шу сабабли кўпинча хасталик авж олганда, яъни клиник кўриниши юзага чиққанда, касаллик аниқланади. Касаллиқни барвақт аниқлашда аҳолининг диабет касаллиги соҳасидаги билимдонлиги ва тиббиёт хизматларининг фаол иштироки ёрдам беради.

Қандли диабет касаллигини аниқлаш мақсадида аҳоли тиббий текширувдан ўтказилади (сутка мобайнида йиғилган сийдик ва наҳорга олинган қондаги глюкоза миқдори текширилади). Бу усул факат касаллиқнинг юзага чиққан туруни аниқлашга ёрдам беради. Касаллиқнинг яширин туруни аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- организмнинг глюкозага турғунлигини аниқлаш;
- гликирланган гемоглобинни аниқлаш;
- соқдаги гликирланган ке-

Мутахассис маслаҳати

ратинни аниқлаш.

Соғлом кишиларда наҳорда қон таркибидagi глюкоза – 5,5 ммоль/л (100 мг %)дан, овқатлангандан кейин 2 соат ўтгач эса – 7,5 ммоль/л (140 мг %)дан ортмайди, бир суткалик сийдикда одатда шакар бўлмайди. Қандли диабет касаллигининг қайси тури бўлишидан қатъи назар, унда клиник намоён бўлган ҳолатнинг ташхисини

глюкоза миқдори текширилади ва 75 г 200-300 мл сувда эритилган глюкозани 5 дақиқа оралиғида ичиш тақлиф этилади. Икки соат ўтгач, қонда глюкоза миқдори яна қайтадан аниқланади. Олинган натижаларга кўра қуйидаги ташхис қўйилади: аниқланган глюкоза миқдори 7,8 ммоль/дан юқори 11,1 ммоль/л паст бўлса глюкозага турғунлик бузилиши ташхиси қўйилади; 11,1 ммоль/л дан юқори бўлса қандли диабет ташхиси қўйилади. Қонда гликирланган гемоглабин ва соқда гликирланган кератин (биринчиси 2-3 ой аввал, иккинчи соқнинг узунлиғига қараб бир неча ойлаб олдин) қонда глюкоза миқдори қайси даражада бўлганлигини аниқлаб беради.

Одатда шундай текширувлар барча аҳоли ёки бирор хавфли гуруҳ орасида олиб борилади. Хавфли гуруҳларга яқин қариндош-уруғида қандли диабет касаллиги бор бўлганлар, глюкозага турғунлиги бузилганлар, эрталаб қонда глюкоза миқдори ошганлар, олдин ҳомиладорлик даврида касаллиги бўлганлар, вазни 4500 г дан ортқ бола туққан аёллар, қон босими 140/90 мм.с.м.с.дан юқори бўлганлар, вазни меъёрдан 20 фоиздан ортқ бўлганлар, ёши 65 дан ошган шахслар қиради. Уларда текширувлар 2-жадвалда келтирилгандай олиб борилади.

2-жадвал

Хавф омиллари	Текширувлар
Юқорида келтирилган омиллардан учтаси бирга учраганда	Назорат 1 йилда 1 марта оч қоринга глюкоза орқали аниқланади
65 ёшдан юқори бўлган шахсларда (ҳеч қандай хавф омиллари бўлмаганда ҳам)	Қонда глюкоза миқдори овқатдан 2 соат ўтгач аниқланади. Глюкозага турғунлик синамаси ўтказилади (олинган натижа шубҳали бўлса)

Жисмоний ҳаракат, тўғри овқатланиш тартибига риоя қилиш, руҳий ва жисмоний зўриқшдан қорғи бўлиш, тана вазини меъёрида сақлаш. Шу ўринда болалиқдан бошлаб меъёрида овқатланишни ўрганиш, яъни «овқат учун яшамаслик», балки яшаш учун овқат ейиш керак. Соғлом ҳаёт тарзини амалга ошириш қандли диабет касаллиги иккинчи турунинг олдини олиш гаровидир.

Қандли диабет касаллигининг ривожланиш эҳтимоли бўлганлар қаторига қуйидаги ҳомиладор аёллар қиради:

- ўтмишда ҳомиладорларда диабет касаллиги ёки глюкозага турғунлиқнинг бузилиши бўлган аёллар;
 - яқин авлодида қандли диабет касаллиги бўлганлар;
 - семизлик (ортқча вазни >20 %);
 - аввалги ҳомиладорликларда жиддий асоратлар билан туққан аёллар;
 - йирки 4,5 кг ортқ ёки ўлиқ бола туққанлар;
 - ривожланишида туғма нуқсонлари бўлган бола туққан аёллар.
- Бундай аёлларда текширув ўтказиб эрта ташхис қўйиш жуда муҳимдир. Ўз вақтида аниқланмаган углевод алмашинуви бузили-

ши унинг бартафати этилиш чора-тадбирлари ўтказилмаган ҳолда она соғлиғига ва бола ривожланишига салбий таъсир кўрсатиш эҳтимоли жуда юқоридир.

Шундай қилиб ҳозирги кунда қандли диабет касаллигининг олдини олиш имкони бор. Бунга эришиш учун қандли диабет касаллигини эрта аниқлаш усуллари ва мунтазам равишда қонда глюкоза миқдорини аниқлаш нафи жуда юқоридир. Кўпчилик инсонларга ўй шароитида қонда глюкоза миқдорини аниқлаб туриш худди бемор қон босимини тонометр ёрдамида назорат қилишдай оддий ҳолат бўлиб қолди. Бунинг учун бутун дунёда махсус аппаратлар (глюкометрлар) қўлланилади. Уларнинг турлари кўп бўлиб, кўпчилик давлатларда ишлаб чиқарилади. Буларни ҳақиқий уй лабораторияси деб таърифлаш мумкин. Глюкометр ёрдамида қонда глюкоза миқдорини аниқлаш нафақат қандли диабет касаллиги бор беморларни, балки ўз соғлигини пухта назорат остида олиб борадиган шахсларда диабет касаллигининг олдини олиш учун қўллашларини тавсия этамиз.

М. РАХИМЖОНОВА,
тиббиёт фанлари
номзоди.

НИКОТИН — АҚЛ ВА ХОТИРА КУШАНДАСИ

«Чекиш ақлни ўтмаслаштиради, у ижодий иш билан чиқиша олмайди. Чекиш фақат бекорчиларнинг иши».

ГЁТЕ.

Жаҳон статистикаси шундан далолат берадики, ҳозирги вақтда ер кўррасида яшайдиган аҳолининг — эркекларнинг 60 фоизи ва аёлларнинг 20 фоизи мунтазам чекади, чекувчилар сони, айниқса, ёшлар, қизлар ва ўсмирлар ўртасида йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар кўрсатадики, эркекларнинг деярли 1/5 қисми 8-9 ёшдан чека бошлаганини кўрсатган, 92 фоиздан ортиқ чекувчилар эса чекишга 19 ёшгача ўрганганлар. Изланишлар ўсмирларни чекишга ўндайдиган асосий сабаблар қуйидагилар эканлигини кўрсатади, яъни: атрофидоги чекаётган инсонларга (ўртоқлари, ота-оналар) тақлид қилиш — 26,2 фоиз, қизиқиш чекиш — 24,1 фоиз, шўхлик — 18,2 фоиз, «эркакчи» деб аташларидан кўриш — 17,2 фоиз, озиш ниятидаги — 9,7 фоиз, ҳаётда бирор нарсадан эзилиш — 4,6 фоизни ташкил қилади.

Шуниси муҳимки, ўсмирлар кўпинча ўзларининг соддадилликлари, қизиққанликларидан чека бошлайдилар. Одам мунтазам чекадан чекувчининг бош миёси пўстлоғида мустақкам шартли рефлектор алоқалари вужудга келадики, улар аста-секин маккор кашандалик — табакоманияга олиб келади. Охириги ўн йилликларда фан-техника тараққиётининг жадал ривожланиши, ишлаб чиқаришни кибернетикалаштириш, компьютерлаштириш ва булар оқибатида меҳнат мазмунини ва табиатининг тубдан ўзгариши инсонга тамаки таъсирининг салбий таъсирларидан бирини очиб берди, яъни чекиш инсоннинг меҳнат қобилиятига таъсир қилиб, тез-тез ва мунтазам чекиш асаб тизими ҳужайраларини холдан тойдирди, шу туфайли мианинг мантикий-ахборот йиғиш шаклидаги активлаштирувчи қобилиятини эрта толиқтарди. Дастлабки 1-2 та сигарет чекилгандан сўнг миёда қон айланishiнинг қисқа муддатли яхшилланиши натижасида гўёки, иш қобилияти ошгандек туюлган, ваҳоланки, бу «сохта рағбат» ҳисобланади. Бу каби ҳолат айниқса, ёшларга ўзининг салбий оқибатини қолдираётганлиги кўпайиб тадқиқотларда исботланмоқда. Жумладан, америкалик олим Дун Иллинойс университети талабаларининг 3567 таси билан бўлган савол-жавоблар натижасида чекувчи талабаларнинг 16,7 фоизи дарсларни яхши ўзлаштириши, 45,2 фоизи унча яхши ўқимайдилар, 59,1 фоизи эса ёмон ўқимайдилар аниқлаган бўлса, 9 та чекувчи ва 9 та чекамидиган талаба билан

ўтказилган тажрибада эса чекиш таъсирида эслаб қолиш — 4,42 фоизга, сонларни қўйиш — 5,55 фоизга, харфларни ўқириш аниқлиги 7,09 фоизга камайганлиги кузатилган. Булар эса чекиш таъсирида қоннинг қислород билан тўйинишининг камайиши натижасида қислород танқислигининг юзага келиши ва бундан бош мия зарарланиши туфайли юзага келади.

Чекиш меҳнат ва ақлий фаоллиқни пасайтиради, бажариладиган ишнинг сифати бўлмайди, сигарета чеккандан сўнг орадан 10-15 дақиқа ўтгач, мускул кучи 15 фоизга камайишини олимлар аниқлашган. Чекиш айниқса, ўсиб келаётган ёш организм учун жуда хавфли ҳисобланади, турли касалликлар, уларнинг эрта юзага келадиغان асоратлари, инсон умрининг камайиши ва бошқалар шулар жумласидан. В. Денисов ва бошқа олимларнинг келтирган маълумотларига кўра, кунига бир қутидан сигарет чекадиган инсонда 20 йил давомида фақат нафас йўллари тахминан 6 килограмм соғлиқ учун зарарли ва хавфли бўлган моддалар ўтириб қолар экан. Улардан энг асосийлари: никотин, ис газ, цианит кислота, азот оксидлари, фенол, канцероген, гербицидлар, радиоактив элементлар ҳисобланади.

Соғлиқ ҳар бир одамнинг улкан бойлиги ҳисобланади. Шундай экан, бу бойлиқни аябашлаш, асраш лозим, бунда инсон ҳаёти учун зарарли бўлган одатлардан бири — кашандаликка қарши курашни аввало оиладан, сўнгра бочка ва мактаб ёшидан бошлаб керак, чекмайдиган инсоннинг пассив чекувчига айлантирмаслик ҳуқуқини эътироф қилиш зарур, бу ҳуқуқни фақатгина сўз билан эмас, балки маъмурий чора-тадбирлар билан ҳам муҳофаза қилиш лозим! Тамаки чекиш — кашанданнинг шахсий иши бўлиб қолмаслиги керак! Агар биз чекишнинг оқибатини ёшлиқдан фарзандларимизга тўри тушутирар оласек, у ҳеч қачон қўлга сигаретани олишга журъат эта олмайди. Зеро, шу ўринда тоғда яшаган юз ёшли бир кексанинг кашанда йиғитга айтган сўзларини эста олиш ўринлидир: «Чекишнинг учта «афзаллиги» бор: кашанданинг уйига ўғри тушмайди — уй эгаси кечаси билан йўталиб чиққанлиги учун, уни ит қопмайди — чунки у ҳассага таяниб юради, у ҳеч қачон қаримайди, чунки у ёш ўлиб кетади!»

Искандар ХЎЖАНОВ,
тиббийёт фанлари доктори.
Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент тиббийёт академияси катта ўқитувчиси.

Чекиш инсон саломатлигига ўта салбий таъсир кўрсатадиган иллатлардан бири эканлигини барча яхши тушунади. Шунга қарамай дунё бўйлаб, миллионлаб одамлар кашандалик туфайли ўз соғлиқларига жиддий шикаст етказмоқдалар. Чунки, чекиш инсонни ақлу ҳушидан маҳв этиб, ишга лаёқатсиз, миллатни эса соғлом авлод руҳидан жудо этишини кўз олдинизга келтириб кўринг-а. Бугунги кунда кашандалик дунё микросидаги энг долзарб муаммолардан бирига айлиниб бораётганлиги нахотки, инсонларни ташвишга солмаётган бўлса?

Сўнгги пайлардаги расмий маълумотларга кўра, Ер юзидида йилга 4 миллионга яқин инсонлар кашандалик оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмадилар. Чекишга қарши курашнинг тобора авж олиб бораётганлиги бежиз эмаслигини эътироф этиш жоиз. Бу хавф, бу аянчли манзара афсуски, катталар қатори ёшлар онгини, ҳаётини захарлаётганини ҳар қадамда учратиш мумкин. Кўча-кўйда юргангизда, кўпчилик ёшларни йўл чети, ошхона, рестороанлар ва ҳаттоки, ўқув бинолари олдида бамайилхотир чекиб ўтирганларининг гувоҳи бўласиз. Ана шундай ачинарли жараённинг майдонга келишига ким айбдор? Ёшларнинг билиб-билмай, тенгқурлари қатори замонавий ўспиринлик касбинини ортиришлари, ёки ҳавас, бир-бирларига нисбатан паст назарда эмаслигини исботлаш билан бу тушунчанинг мазмун-моҳиятини ифодалашга ҳаракат қиладилар. Оғу сингари ёмон ва муҳишли оқибатларга олиб келувчи кашандалик нафақат бир инсон ҳаётини, балки бутун бир оила саломатлигига хавф солиши, издан чиқариши, ёки уни батамом вайрон қилиш қудратига эгадир.

Ҳаётини мисол: бир оилада юз берган бахтсизликнинг бош сабабчиси уч нафар фарзанднинг отаси ИБроҳимнинг қутилмагани, азиямас касаллик билан ҳаётдан кўз юмиши ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Иброҳим кейинги пайларда тез-тез сигарет чекмайдиган одат чиқарди. Бунинг сабабини ҳеч қандай айтмас, гўёки, ҳам-ташвишлар ичиди қолётган одамдек минут сайин чекиб, ҳуморидан чиқарди. Рафикаси Гулнорадан сигарет учун пул сўраб, уни ҳам ҳоли-жонига қўймасди. Ҳаттоки, шу яқин атрофдаги сотувчилар ҳам унинг нима мақсадда магазинга келаётганини дарров пайқайдиган бўлиб қолишди. Бир кун унинг уйда яқин дўстлари меҳмон бўлишди. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзини топиш қийин эди. Иброҳим сигарета чекишни арок ичиш билан бирга, ёнма-ён олиб борарди. Хона ичи тутунга буткул гарқ бўлган эди. Меҳмонларга хизмат қилиб

чарчаган Гулнора тутунлар ҳидидан қаттиқ йўталиб, анча вақт ўзига кела олмай турди. Ҳақиқатан ҳам, унинг оби-ҳавоси борган сари бузилиб бораётган эди. Шу зайдла сигарет тутаб, Иброҳим ўли Анварни дўконга юборди. Анвар сигарет олиб келатуриб, тамакинни бир бора бўлса ҳам чекиб кўриш фикрини ҳаёлидан ўтказди. Ва бир кун отаси йўқлиқдан фойдаланиб, сигаретани чекиб қўрди. «Кайф» назари билан тамакинни тутатмоқчи бўлган Анвар билмасдан, тутунни ичига ютиб юборди. Роса йўталиб, қўзлари ёшланди. Бир-икки маротаба қийналган, кейинчалик унинг таъсиридан лаззатланиб бошлаган ўли отасининг бепарволигидан унумли фойдаланди. У гоҳида чекиб, гоҳида спиртли ичимликларга ҳам ружу қўйётганлигини ўйлаб кўрмади. Табиийки, оилада икки та-

ф о - вут юзага келди. Бир ёқда ота тутундан бош кўтармаса, бир ёқда ўли тенгдошларидан орқада қолмаслиқ учун чекишни ташлаш олмай, гурбатда қолди. Ниҳоят, Иброҳим тўсатдан бетоб бўлиб, ётиб қолди. У бетоб ётса-да, чекишни қанда қилмасди. Қўнлар ўтиб, унинг аҳволи оғирлаша борди. Шифокорларга мурожаат қилишди. Текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, у сил касаллигига чалинган экан. Қарангки, муттасил равишда чекишни қанда қилмаган Иброҳимнинг барча аъзо, тўқима ва тизимлар фаолияти бузилган бўлиб, саратон касаллигига дучор бўлган эди. Бу касаллиқдан беҳабар бўлган оила аъзолари ҳам текшириб кўрилганда уларда сил касаллиги борлиги аниқланди. Иброҳим ва унинг оила аъзолари давола-нишга ётишди. Энди эса қолган умри азобда ўтаётганлигини билган Иброҳимнинг афсуси бефойда...

Оиладаги ягона ўғил ҳам отаси каби кашандалик йўлга кирганини англаса-да, уни ташлаш олмади. Шундай бўлса-да, отасининг фожиасини тушуниб етган Анвар шифокорлар назоратида бўлиб, уларнинг маслаҳатларига қўлоқ тутушни лозим топди. Чунки, у дардига даво топа олмаётган отасининг қийналганини кўриб, кашандалик шу қадар оғир иллат эканлигини тушуниб етди.

Мана қўрдингизми, бир кашандалик кетидан соғлом оила касаллик гирдобига дучор бўлди. Илмий маълумотларга кўра, чекмайдиган одамлар чекмайдиганларга нисбатан 5-10 йил кам ҳаёт кечирадилар. Ашаддий кашанда-лар эса, ўз умрларини яна ҳам кўп, тахминан 15 йилга қасқартиридилар. Сурункали чекиш соч, тишлар тўқилиши, кўз гавҳарининг хиралашуви, эшитиш қобилияти, хотиранинг усайиши, теридagi ажинлар ва саратон (рак) касаллиги, кўп бармоқлиги териси рангининг ўзгариши, қон айланishi, суяк тўқимаси, сийдик таносил тизими, нафас олиш аъзолари фаолиятининг қийинлашуви, қуруқ йўтал, юрак касалликлари, ошқозон яраси, эркекларда мижоз сустлиги, аёлларда асоратли ҳомиладорлик, чала туғиш каби оғир ва бошқа кўпсалб салбий ҳолат, оқибатларга олиб келади, меҳнат унумдорлигини пасайтиради. Бунинг шундан ҳам билса бўладики, ҳар 100 та ўпка раки (саратон) касаллигининг 95 таси айнан чекувчилар чекма туғишади. Ана шуларни ҳисобга олганда, тамаки чекувчиларнинг ҳар бири деярли ҳар кунги, ҳар ҳафта, йил давомида папирос ёки сигарета сотиб олиш учун ортқика, кераксиз сарф-ҳаражат қилаётгани, моддий ва маънавий зарар кўраётгани ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

Ибодат СОАТОВА.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ислох қилиш Давлат Дастурида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги «Си-хат-саломатлик йили» Дав-лат Дастури тўғрисидаги 30-сонли Қарорига соғлом турмуш тарзини шаклланти-риш, зарарли одатлардан сақланишга атрофлича аҳамият берилган. Бу бора-да кўплаб ишлар амалга оширилаётганлиги ҳеч би-ринизга сир бўлмаса керак. Соғлом турмуш тарзи фа-катгина бугун эмас, балки бир неча йиллардан буён тарғиб қилинаётганлиги-нинг ўзи юқоридаги дасту-рининг аниқ ифодасидир. Шундай экан, биз бундан бир неча йил аввал Анди-жон вилоятида амалга оши-рилган кичкина бир иш таж-рибамиз билан ўртоқла-шишни лозим топдик.

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИК

Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари Со-ғлиқни сақлаш вазирлигининг му-тасадди раҳбарларининг йўл-йўриқлари билан Андижон вилоят «Саломатлик маркази» Андижон вилоят ўлкашунослик музейи тар-кибида «Одам гигиенаси» бўлими-ни ташкил қилган эдик. Уша пай-ларда мен марказнинг бош ши-фокори вазифасида ишлардим. Бўлимга тиббиётга оид турли хил альбомлар, қон айланishi, нафас олиш тизимига оид чизмалар, ҳамда табиий экспонатлар қўйил-ган эди. Бу ерда яна соғлом орган-лар билан бир қаторда гиёҳванд-лик, ичкиликка ружу қўйган ота-оналардан нуқсонли туғилган бо-лалар, гиёҳванд модда ва спирт-ли ичимликларни истеъмол қил-ган шахсларнинг ўпка, жигар, юрак ва буёрагада шунингдек, кам ҳа-ракат, пала-партиш овқатланган

одамларда учрайдиган касал-рганлар кўрсатилган бўлиб, улар-ни кўрган ҳар бир киши тиббиёт-нуқтаи назаридан керакли маъл-умотларга эга бўларди. Бўлимда фикр ва мулоҳазалар дафтарини бўлиб, унда ёзилган мулоҳазалар-нинг қўпчилиги ибратли эди.

1. Роҳиддин: «Мен техника касб-хунар билим юртининг (қизорғи коллеж) учинчи курсида ўқийман. Уч йилдан бери нос че-каман. Гурҳушимизда 7 нафар бола нос чекар эди. Носни нимаси яхши деб сўрасам, бунинг бир та-тиб кўр, ҳурсанд бўласан, раҳ-мат дейсан дейишди. Шундан кейин носни бир-икки марта то-тиб кўриб, мазза қилгандай бўлдим. Шу тариқа нос чекишга жуда ўрганиб қолдим. Мана бу-гун бу ерга келиб, носовой ҳам наркотик модда эканлиги, сурун-кали истеъмол қилинса, оғиз

шиллик қаватининг ўсма касал-лигига олиб келиши мумкинли-гини тушунидим. Шундан кейин нос чекишни ташладим».

2. Талаба Сойибжоннинг фикр-мулоҳазалари: «Ўқитувчи-ларимиз, қўни-қўшнилардан мун-тазам равишда чекиш, спиртли ичимликлар ичиш, гиёҳванд мод-далар зарарли, умр кушандаси деган гапларни кўп эшитар эди-гу парво қилмасдик. Мен икки йилдан буён наша чекмаган. Энди ушбу мўзеддан чиққандан эъти-боран наша чекишни ташладим. Чунки бу ерда кўрганларим қал-бимни жумбушга келтирди».

3. Болтабой: «Гиёҳвандликка берилиш бу ўз-ўзига ўлим жазо-си ҳукмини чиқариш экан. Мен истардимки, барча гиёҳванд мод-даларнинг домига қалинишдан, иродасизликдан сақланса. Банги-лик бу бир лаҳза эс-ҳушини чал-

ғитишдан бошқа нарса эмас. Тирик мурда деган ибора ги-ёҳвандларга, хусусан менга те-ғишли бўлса керак. Дўстлар бу йўлга зинҳор кирманглар. Ёшим 30 да лекин кўринишим 60 ёшга ўхшади. Ҳеч бир гиёҳванд узок умр кўргани йўқ. Энг гуллаган ёшлик чоғида сўйлиди. Ушбу бўлимдаги нарсаларни кўрса-тиш ва тарғиб қилишда тибби-ёт ходимлари кенг тушунириш ишларини ўз вақтида олиб бор-салар айни муддао бўлар эди».

Мана азизлар юқоридаги фикрлар билан қисман бўл-сада танишдингиз. Бу гаплар бир неча йиллар аввал ай-тилган бўлсада, ҳозирги кун-да ҳам бундай зарарли одат-ларга ружу қўйиш ниҳоятда қўнмайиб бормоқда. Шунинг учун аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда ҳаммамиз бирга-ликда курашайлик.

Мухиддин АЛИЕВ,
Андижон вилояти.

Полезные мелочи КОРОТКО

* Для активизации умственной деятельности в школу полезно ходить пешком (по меньшей мере преодолевать таким образом часть пути), а не ездить на родительской машине. К такому выводу пришли британские исследователи.

* Прием ацетилсалициловой кислоты, (аспирина) во время беременности на 80 % повышает риск выкидыша, считают американские ученые.

* Антиоксиданты особой важности легко запомнить и легко использовать: это витамины С, Е, А и селен.

* Витамин С - о его источниках (апельсины, лимоны, черная смородина и прочие) знают даже дети, главное - не нажимать на соки в коробках, а получать хотя бы половину дневной нормы из овощей и свежих фруктов.

* Витамин Е - употребляйте растительные масла, и дефицита в нем практически не будет. Однако витамин Е теряется при их рафинировании.

Поэтому не слушайте тех, кто убеждает, будто очищенные, прозрачные, дезодорированные масла полезнее и лучше нерафинированных. На всякий случай ешьте еще семечки и орехи - природные источники витамина Е.

* Витамин А - его «передоз» из продуктов питания невозможен, разве что ежедневно есть печень белого медведя. Получая этот антиоксидант в виде бета-каротина из овощей и фруктов желтого, зеленого и оранжевого цвета, вы не рискуете ничем.

* Селен - лучшими источниками этого микроэлемента принято считать орехи и цельнозерновые продукты. Но содержание в них селена сильно зависит от почвы, на которых они росли. Для страховки стоит есть разные орехи: бразильские и сибирские, кавказские и китайские - в сумме они с большей вероятностью обеспечат вас этим антиоксидантом. Тем, кто не любит орехи, можно принимать поливитаминные препараты с селеном.

Праздничный десерт НОВОГОДНЕЕ ПЕЧЕНЬЕ

(Вкусное и красивое)
на 12 штук

5 яичных белков, щепотка соли, 800 г коричневого сахара, около 1/2 кг молотого миндаля, 2 чайн. ложки корицы, 2 стол. ложки лимонного сока, около 150 г смеси фисташек, семечек, орехов

Приготовление:

1. Белки и сахар взбить с помощью миксера. Отделить от массы 3/4 глазури для украшения и отложить.

2. Миндаль, корицу и сок лимона добавить в оставшуюся глазурь и вымесить тесто.

3. Раскатать тесто. Формой вырезать 12 звезд, выложить на бумагу для выпекания и оставить на 2-3 ч.

4. Нагреть духовку до 180°. Звезды на бумаге выложить на противень и печь на средней полке духовки 20 мин.

5. Противень вынуть из духовки, аккуратно снять звезды с бумаги и выложить на кухонное полотенце. Остудить не менее 1 ч.

Остывшие звезды покрыть ровным слоем отложенной глазури. Каждую звезду украсить разными узорами из фисташек, орехов, семечек. В заключение выложить готовые звезды на противень и подсушить в духовке в течение 30 мин при температуре 50°. Выложить, остудить.

Время приготовления: 80 минут.

Подготовила Н. УЗАКОВА.

Витамин С - один из основных природных элементов, который создает крепкое здоровье. Кроме такой важной функции витамина, как, например, излечение от цинги, он предотвращает кровотечение капилляров - самых тонких кровеносных сосудов, которые непосред-

ТАБАК ВРЕДИТ ВИТАМИНУ С

ственно питают клетки тела. Когда это происходит в сердце или в мозгу, то может образоваться закупорка сосудов, что приводит к фатальным последствиям. В конечностях такая закупорка может вызвать гангрену, что приводит к ампутации.

Табак нейтрализует действие витамина С, ворует у вас эту жизненно важную защиту. Доктор Маккормик, канадский специалист, изучающий витамин С, выявил при лабораторных исследованиях, что выкуривание одной сигареты уничтожает такое количество витамина, которое содержится в одном апельсине. Человек, выкуривающий одну пачку сигарет в день, должен, следовательно, съесть 20 апельсинов, чтобы восстановить нормальный баланс ценного витамина С в организме!

Но не только табак грабит вас, отбирая витамин С. Загрязнение воздуха наших городов и пища, которая содержит химические консерванты, также истощает запасы витамина.

БУЮК МЕРОС ВА МИЛЛАТ САЛОМАТЛИГИ

2005 йил 21-22 ноябрь кунлари Халқаро Ибн Сино фонди тиббиёт ходимлари, файласуфлар, доришунослар, адабиётчилар қисқаси Ибн Сино шугулланган турли фан соҳалари вакиллари яна Бухорога «Буюк мерос ва миллат саломатлиги» шиори остида ўтадиган V Халқаро Ибн Сино ўқишлари чорлади. Бу йилги анжуман Вазирлар Маҳкамаси, ЎзР ССВ, Ибн Сино халқаро жағғармаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги ва Бухоро тиббиёт институти ҳамкорлигида ўтказилди.

Анжуман очилишида сўзга чиққан вилоят ҳокими С.Хусеинов Ибн Сино меросини ўрганиш ва тиклашда буюк аллома хотирасини абадийлаштириш бўйича Бухорода қилинаётган қатор ишлар ҳақида гапирди. ЎзР ССВ муовини А.Ҳожибоев ҳам меҳмонларни қўлаб, Ибн Синонинг табобатда қолдирган буюк таълимоти ҳақида тўхталиб ўтди.

Анжуман «Халқаро Ибн Сино жағғармаси» раиси профессор Ш.Б.Иргашевнинг дастурий маърузаси билан бошланди. Маъруза Ибн Сино таълимоти ва ҳозирги замон тиббиёти асосида соғлом турмуш тарзини ташкил этиш концепциясига бағишланди.

Шунингдек, тадбирда қозғостонлик Ю.Арзуматов, тожикистонлик Ю.Нуралиев, пекинлик Сун Сянь, қўлаб ўзбекистонлик олимлар ва Ҳамадон университетидан келган бир гуруҳ эронлик меҳмонлар Ибн Сино табобати ҳақида гуруҳ билан гапирдилар. Уларнинг таъкидлашича Ибн Синонинг қолдирган буюк таълимотини ўрганиш ҳали яна минг йилларга етади. Ҳамадонликлар ҳозир тошкентлик олимлар, «Ибн Сино Жағғармаси» билан яхши ҳамкорлик қилмоқда.

Ҳиндистонлик Ҳаким Саид Зилфур Раҳмон

маърузаси Ҳиндистонда узок йиллардан бери фаолият кўрсатаётган Абу Али Ибн Сино тиббиёт университети ва унинг клиникасида касалларни асосан Ибн Сино усуллари билан даволашга бағишланди.

Ялпи ва секция мажлисларида бўлган маърузаларда давра столи атрофидаги суҳбатларда соғлом турмуш тарзини ташкил этиш, гиёҳвандлик, наркомания, экологик носозлик, турли хил касалликлар ва уларни даволашда халқ табobati ва замонавий тиббиёт усуллари геронтология ва педиатрия масалалари каби тиббиётнинг турли соҳаларига алоҳида эътибор берилди. Ибн Сино шеърияти, фалсафий қарашлари ҳақида ҳам талғиғина маърузалар бўлди. «Ибн Сино Жағғармаси» қошидаги марказ вакиллари ҳам ўз фаолиятлари ҳақида тўхталиб ўтдилар. Қўп маърузаларда республикамизнинг турли худудларидан тиббиёт институтлари вакиллари, шифокорлар ўзларининг олиб борган илмий амалий кузатишлари ва олинган натижалари ҳақида ўртоқлашдилар.

Ҳар йили Бухоро заминидида ўтадиган Ибн Сино халқаро ўқишларида шу ўқишлардан олдин Ибн Сино таълимоти асосида тиббиёт институтларида ўтадиган талабалар олимпиадаси ғолиблари ҳам қатнашадилар. Бу ҳол анъана бўлиб қолмоқда. Бу йилги ўқишда Бухоро Тиббиёт институти талабалари зафар байроғини олиб кетдилар. Бирданга уч талаба Азиза Болтаева (5-курс), Маҳмуд Мирзаев (6-курс), Улуғбек Васидов (5-курс) тиббиётда Ибн Сино усуллари бўйича мазмунли маърузалар қилдилар ва олқишларга сазовор бўлдилар.

Эркин ТУРСУНОВ,
профессор.

Наманган вилояти

ПУЛЬМОНОЛОГЛАР АНЖУМАНИ

Яқинда «Пахталикўл» сихатгоҳида бўлиб ўтган семинар-кенгаш «Сил билан касалланган беморларга сихатгоҳ хизмати» мавзусига бағишланди.

Унда барча вилоятлар сихатгоҳ ва силга қарши диспансерларининг бош врачлари қатнашдилар.

Маълумки, 2004 йил 25 июндаги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳайъат йиғилишида мазкур масала юзасидан қарор қабул қилинган эди. Анжуманни Республика фтизиатрия ва

пульмонология илмий текшириш институтининг директор ўринбосари, профессор Р. Ҳамроқов кириш сўзи билан очди ва мазкур қарорнинг бажарилиши бўйича маъруза қилди.

Сўнгра, «Пахталикўл» сихатгоҳи бош врач Х. Ҳамдамов сихатгоҳда олиб борилаётган ишлар, яратилган шарт-шароитлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтди.

Тадбирда Бухоро тиббиёт институтининг кафедра мудири Б. Муаззамов, «Парда Турсун» номли сихатгоҳ бош врач С. Имомовлар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман якунида иштирокчилар сихатгоҳ бўлимида бўлиб, амалий тавсиялар бердилар.

Тадбирда вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари З. Раҳмонов иштирок этди.

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ

Наманган вилоят «Соғлом авлод» марказида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!» Республика акциясининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Маълумки, 6 та нуфузли ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказилган танлов баҳсу мунозараларга бой руҳда ўтди. Анжуманда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 5 нафардан ўқувчи-ёшлар иштирок эттиди. Танлов шартларига кўра, қатнашувчилар ўзлари иход қилган ишшо, тасвирий санъат асарлари,

сахна кўринишлари, фотокўргазмаларини намойиш этдилар.


Ўзининг юксак иқтидори билан тенгдошлари орасида Янгикўрган 12-сонли лицей-интернат ўқувчиси Диёрбек Маҳмудов «Инсоният умрининг заволи» номли расмлари мажмуаси билан ғолибликни қўлга киритди.

Шунингдек, Поп туманидаги

23-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Гулёра Валижоновна, Норин туманидаги 35-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Назоқат Исмоматова рағбатлантирувчи ўринларни қўлга киритган бўлса, Турақўрган туманидаги 2-ўрта мактаб жамоаси тайёрлаган «Қашандалик ўз соғлиғига қушандалик» мавзусига сахна кўриниши билан ғолиб бўлдилар.

Танлов якунида барча иштирокчиларга ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Жамолиддин МУСЛИМ,
Республика Саломатлик институти Наманган вилоят филиали матбуот бўлими бошлиғи.



Gazeta muassisi:
O'zbekiston
Respublikasi
Sog'liqni saqlash
vazirligi

Bosh muharrir:
Po'lat MIRPO'LATOV.
Ibrochi muharrir:
Ibodot SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHITDINOVA, M. MIRALIEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHARAPOV.

Manzillimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 5.802 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda O'zbekistonda sog'liqni saqlash-dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma 1-253.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-mathaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma tabaq. Format A3. Oset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi faktlarda dailarning to'g'riligi ushuncha rektama va e'lon beruvchilar mas'uldur.

Sahifalovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Bosmaxonaga topshirilish vaqti 19.00.